

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 5-10/й

2022 йил «7» «10»

Ш.Рашидов тумани

“Кишлоқ қурилиш инвест” масъулияти чекланган жамияти инжинииринг компанияси келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб хамда Низомга асосан иш юритувчи номидан директор О.Эркаев бир томондан ва «Пахтакор зийнаткор» маъсулияти чекланган жамияти кейинги уринларда «Пудратчи» деб аталиб хамда Низомга асосан иш юритувчи номидан раҳбар Д.Мўминов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини куйидагиларга асосан туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралик даврда кабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

Курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб куйилади.

Вактинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар кандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

Беркитиладиган ишлар - сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини булиб чикиш: ишларнинг хар бир боскични ва (ёки) турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

II. Шартнома мавзуси.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани “Тоқчилик” МФЙ “Тоқчилик” массивида аҳоли учун қурилаётган кўп қаватли уй-жойларнинг қириш ва ички йўллари қурилиши** обьекти буйича лойиха хужжатларида кузда тутилган обьектни тайёр холда қуриш буйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3. Буюртмачи пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва толовни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома буйича ишлар киймати.

4. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин савдоси (e-tender.uzex) натижасида аникланган ва эркин савдоларни ўтказиш комиссиясининг карори (**2022 йил "4" октябрдаги ЛОТ № 154786-сонли баённома**) билан тасдиқланган ишлар киймати, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган холда, жорий нархларда жами **Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани “Тоқчилик” МФЙ “Тоқчилик” массивида аҳоли учун қурилаётган кўп қаватли уй-жойларнинг қириш ва ички йўллари қурилиши 892 156 014** (Саккиз юз тўқсан икки миллион бир юз эллик олти минг ўн тўрт) сўмни ташкил этади. (*Пудратчи умумий солик толовчиси*)

5. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта қуриб чикилиши мумкин эмас. Куйидаги холлар бундан мустасно:

- қурилиш муддатини купайтиришга енгиг булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;
- ишлар хажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
- обьектнинг қурилиши бир йилдан ортикка узгартирилганда.

6. Курилиш муддати бир йилдан ортик булганды иккинчи йилга ва кейинги йиллар шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли асослар мавжуд булганды санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага күшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари.

8. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномада хамда унга 1-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучи ва (ёки) жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;
- 1 иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жихозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;
- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;
- бош пудратчи субподрядчилар билан шартнома тузишда буюртмачи билан келишган холда шартнома тузиши шарт;
- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф-мухитни, утказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ёритиш чирокларини урнатиш;
- ишчиларни маданий дам олишлари учун шароит яратиб бериш ва иссик овкат билан таъминлаш;
- курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;
- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бушатиш;
- курилиш майдонини куриклишни таъминлаш;
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

9. Пудратчи хар хисобот ойнинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида Буюртмачига хисобот топшириши лозим.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларни уз кучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектни топшириш учун Буюртмачи олдида тулик мулкий жавоб беради.

-Пудратчи лойиха-смета хужжатларига буюртмачи ва лойихачи ташкилотнинг рухсатисиз узгартириш киритмайди. Агарда уз хохиши билан узгартирган такдирда Буюртмачи мажбуриятни уз зиммасига олмайди.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

11. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Лойиха смета хужжатларига буюртма беради. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага (1-иловага) мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини 10 кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;
- Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб икки ой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;
- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

12. Агар пудратчи томонидан хар хисобот ойнинг 25 сана сигача бажарилган ишлар тугрисида хисоботи топширилмаса, Буюртмачи бажарилган курилиш монтаж ишларини молиялаштирумайди. Ушбу шартноманинг З-иловаси бажарилмайди.

VI. Ишларни бажариш муддатлари

13. Шартнома:

миллий валюта «сумда» узаро хисоб-китоб килинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

14. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уз айланма маблаглари хисобидан ишларни бажаришга киришади.

15. Эркин танлов (тендер) савдолари натижаси буйича аникланган курилишнинг фойдаланишга топшириш муддати 2022 йил 30 декабргача этиб белгилансин.

16. Мазкур шартнома буйича ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII. Туловлар ва хисоб-китоблар

17. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 фоизи микдорида, дастлабки икки ойга teng улушларга (ойига 15 фоизидан) булган холда аванс утказади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади (З-илова).

19. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, хар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб колиши хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматининг 95 фоизигача тулов амалга оширилади.

- Мазкур шартномада белгилangan объектнинг 5 фоизлик маблаги кафолат муддати тамом булгандан кейин амалга оширилади.

20. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома буйича объектга мулк хукукини узида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектни тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

21. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун (молиялаштириш йилида) мобайнида бажармаган такдирда, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгилangan тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага узгартиришлар киритиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тулашдан озод килинмайди.

- Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган такдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

VIII. Ишларни бажариш

22. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини - техник аудиторни тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

23. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш хукукига эгадир.

24. Пудратчи техник-аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник-аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайда булавчи масалаларни хал килиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

25. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI булимида курсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

26. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгилangan тартибда жавоб беради.

27. Курилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

28. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидағи далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги хужжатларни беради.

29. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кунда бошлаб 3 (уч) кун муддатда курилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва объектни привязка килиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларни координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

30. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари, улчамлари ва булиш укларининг мувофикалиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни уз хисобидан амалга оширади.

31. Пудратчи геодезия ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин далолатнома буйича Буюртмачига беради.

32. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. Пудратчи коммуникация объектларини фойдаланувчи тегишли корхоналарга топширади.

33. Пудратчи узи томонидан курилишда кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларга, техник шартларга мувофик булишини хамда уларнинг сифатини тасдикловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга булишини кафолатлади.

34. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитекткурилишназорат» инспекциясини ёзма равиша хабардор килади.

35. Кабул килинадиган конструкциялар ва ишлар тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ кабул килиш далолатномалари хамда уларнинг «Давархитекткурилишназорат» инспекцияси билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.

36. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейин ишларни бажаришга киришади.

37. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган булса ёки у бу хакда хабардор килмаган булса ёки кечикиб хабардор килинган булса, у холда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар булярнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

38. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тулайди.

39. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлади.

40. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудрачининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилishi, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни кабул килиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вактида етказиб берилмаслиги билан боялик тухтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқи тугрисидаги маълумотлар, шунингдек, курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс этирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтаридан уз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равиша курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. Ишларни куриклиш.

41. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул килиб олингунга кадар четлари тусилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада курикланишини таъминлайди.

42. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк объект кабул килиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб булмайдиган куч (Форс-мажор) холатлари.

43. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

44. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари 1 ойдан куп вактга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

45. Агар томонлар 2 ой ичida келиша олмасалар у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

XI. Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш.

46. Курилиши тугулланган объектни кабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиш тугалланган объектларни фойдаланишга кабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

47. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома ва иншоатларни фойдаланишга кабул килиш ишчи гурух далолатномасини беради.

Буюртмачи куриилши тугалланган объектни Давлат кабул комиссияси иштирокида кабул килиб олади.

48. Пудратчи курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V булимига мувофик Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда 2 (икки) нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиклаши керак.

49. Иншоат Давлат кабул комиссияси томонидан расмий фойдаланишга кабул килинган кейин Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар.

50. Пудратчи:

барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига хамда курилиш меёrlари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларига курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни уз вактида бартараф килишни;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

51. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиш тугалланган объектни кабул килиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади.

52. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, улдар бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда

кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудра, томонидан унинг уз хисоби билан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичидаги бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII булимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.

53. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган такдирда, уларнитеқшириб чикиш «Давархитекткурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича хужалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор килиши.

54. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боялик булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан 1 ойдан куп вактга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан 1 ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жалвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

55. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боялик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан 1 ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

56. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кушма карорига кура тугалланмаган курилиш 1 ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тулайди.

57. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

58. Шартнома бекор килинган такдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

59. Шартноманинг бир томонлами бекор килинишига йул куйилмайди, конун хужжатларидан мазкур шартномада назарда тутилган холатлар бундан мустасно.

-Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган такдирда буюртмачи томонидан шартномани конунда белгиланган тартибда бекор ќилиб, объектни бошка пудатчига бериш буйича таклиф беради.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги.

60. Томонлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган такдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди;

Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларидан хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортилади.

61. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, уз вактида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод килмайди.

62. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиклашдан асосиз равишда бош тортганилиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиклашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи микдорида жарима тулайди.

63. Пудратчи объектни уз вактида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,4 фоизи микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод килмайди.

64. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик булмаса, у холда Буюртмачи «Давархитекткурилишназорат» инспекциясининг хulosаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун хак тулашдан бош тортиши, шунингдек, Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

65. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томониккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

66. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

XV. Низоларни хал этиш тартиби.

67. Шартномани бажаришда ва бекор килишда, шунингдек, етказилган заарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Жиззах вилоят иктиносидий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар.

68. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга булмайди.

69. Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли карори низомининг 4-илова 8 булим 43-бандига асосан жихозлар, бутловчи буюмларнинг давлат стандарти талабларига жавоб бериши ва сифати учун тузилган комиссия иштирокида мониторинг урнатилади ва комиссия хulosасига кура бутлашга рухсат берилади.

70. Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиха ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, курилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар уртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошка оралик бугинларнинг иштирокисиз факат шартнома асосида курилади.

Бунда хам моддий-техника ресурсларини узаро берган холда, хам улар берилмаган холда субпудрат ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта обьект курилиши доирасида воситасининг иши хамда моддий-техника ресурсларини ташкарига реализация килиш деб хисобланмайди. Бош пудратчининг розилигига асосан тулов амалга оширилади.

71. Субпудратчилар ва етказиб берувчилар (ишлаб чиқарувчилар)ни танлаш бош пудратчи томонидан танлов савдолари натижалари буйича тузилган бош шартнома буйича мажбуриятлар сакланиб колиниши шарти билан мустакил амалга оширилади.

72. Мазкур шартномага барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаб Фазначилик өрганиидан руйхатдан утгазилгандан кейин, хакикий хисобланади.

73. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кушимчалар ёки узгаришилар шаклида ёзма равишда тасдилаши керак.

74. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тулашни кечикиришга хаклидир.

75. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кулланилади.

-Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилоят Молия бошкармасидан руйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

ПУДРАТЧИ:
«ПАХТАКОР ЗИЙНАТКОР»
масъулияти чекланган жамияти

Жиззах в. Пахтакор тумани Ғалаба МФЙ
саноат худуди
Тел: 99 660-09-30
Х/р: 2020 8000 1009 1561 4001
ОАТБ Қишлоқ курилиш банк
Жиззах филиали
МФО: 01037 ИНН: 305731598
ОКОНХ: 23610



Д.Мўминов
(ФИШ)

БУЮРТМАЧИ:
“Қишлоқ курилиш инвест” масъулияти
чекланган жамияти инжиниринг
компанияси Жиззах вилояти филиали
Жиззах ш. А.Навоий кўчаси 2 уй.

ш/хв:304521860084017045204118580
АТБ«Қишлоқ курилиш банк»
Жиззах миңтақавий филиали
МФО: 01037 ИНН: 301291517
ОКОНХ: 61133



О. Эркаев
(ФИШ)

Уибу шартнома 2 (икки) нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эгадир.

Х У К У К И Й Х У Л О С А:

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 21-моддаси талаблари асосида тузилган. Экспертиза хulosасига асосан шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги хамда низоларнинг хал этилиши тартиби амалдаги конунчиликка мослиги маълум булди.

Хукукий экспертиза натижасига кура кўйдагилар аникланди:

1. Шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари талабларига мувофик тузилган. Такдим этилаётган пудрат шартномаси шартлари конунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган хар кандай холат Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 631-655, 666-685-моддалари хамда “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг уз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги окибатида юзага келадиган жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи бажармаганлиги окибатида юзага келадиган жавобгарлик” Конуннинг 24-34, 36-моддалари субъетлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

“Қишлоқ курилиш инвест” масъулияти
чекланган жамияти инжиниринг
компанияси Жиззах вилояти филиали
бош юристконсультанти

Хамидов X.

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 154786 на
приобретение Ш.Рашидов тумани Токчилик МФЙ да кириш ва ички йулларнинг
курилишини ҚМҚ ва лойиха смета хужжатларига асосан бажариш**

Способ проведения электронный

Дата 04.10.2022

Время рассмотрения 04.10.2022 10:51

Закупочная комиссия Кышлок курилиш инвест МЧЖ инжиниринг компанияси Жиззах вилоят филиали, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ERKAYEV OYBEK O'RAZBEKOVICH	директор	Кышлок курилиш инвест МЧЖ инжиниринг компанияси Жиззах вилоят филиали
Член комиссии	OCHILOV OYBEK PARDABOYEVICH	бosh муҳандис	Кышлок курилиш инвест МЧЖ инжиниринг компанияси Жиззах вилоят филиали
Секретарь комиссии	TURSUNOV ERKIN MAMATKULOVICH	мутахассис	Кышлок курилиш инвест МЧЖ инжиниринг компанияси Жиззах вилоят филиали
Член комиссии	TURGUNBAYEV UTKIR ALIYEVICH	Бош муҳадис	Кышлок курилиш инвест МЧЖ инжиниринг компанияси Жиззах вилоят филиали
Член комиссии	MURODULLAYEV MIRAZIZ SAIDAKBAR O'G'LII	Булим бошлиги	Кышлок курилиш инвест МЧЖ инжиниринг компанияси Жиззах вилоят филиали
Член комиссии	TEMUROV XASAN XXX	Бугалтер	Кышлок курилиш инвест МЧЖ инжиниринг компанияси Жиззах вилоят филиали

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 04.10.2022 года № лота 154786.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Строительно монтажные работы
Подробное описание	Ш.Рашидов тумани Токчилик МФЙ да кириш ва ички йулларнинг курилишини ҚМҚ ва лойиха смета хужжатларига асосан бажариш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	894 156 014.00
Стартовая сумма	894 156 014.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 З йил тажрибага эга бўлган ташкилот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PAXTAKOR ZIYNATKOR MCHJ	20	Буюртмачи тавсифига кўра	20	Экспертная		
ООО FAYZ BARAKA KLASSIK	20	талаб этилган хужжатлар илова килинади	19	Экспертная		

Критерий №2 Иш стажи З йиллик олий маълумотга эга мажбурий раҳбардан 1 киши мавжудлиги, доимий ишловчи 5 йиллик иш стажи ва тажрибага эга бўлган малакали мутахассислар мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PAXTAKOR ZIYNATKOR MCHJ	20	Буюртмачи тавсифига кўра	20	Экспертная		
ООО FAYZ BARAKA KLASSIK	20	113 нафар малакали мутахассисларимиз мавжуд	20	Экспертная		

Критерий №3 Лицензия талаб килинади

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PAXTAKOR ZIYNATKOR MCHJ	20	Буюртмачи тавсифига кўра	20	Экспертная		
ООО FAYZ BARAKA KLASSIK	20	илова килинади	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)

ООО FAYZ BARAKA KLAСSIK	894 156 014.00	894 000 000.00 UZS	894 000 000.00	00.00	894 000 000.00	03.10.2022 19:07:02	9.97937
PAXTAKOR ZIYNATKOR MCHJ	894 156 014.00	892 156 014.00 UZS	892 156 014.00	00.00	892 156 014.00	30.09.2022 15:00:13	10

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО FAYZ BARAKA KLAСSIK	88.4997	9.97937	98.47907
PAXTAKOR ZIYNATKOR MCHJ	90	10	100

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 154786 от 04.10.2022 года на приобретение Ш.Рашидов тумани Токчилик МФЙ да кириш ва ички йулларнинг курилишини ҚМК, ва лойиха смета хужжатларига асосан бажариш определила победителем:

PAXTAKOR ZIYNATKOR MCHJ
305731598

и резервный исполнитель: ООО FAYZ BARAKA KLAСSIK (302728222)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ERKAYEV OYBEK O'RAZBEKOVICh	Согласен	
Член комиссии	TURGUNBAYEV UTKIR ALIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	MURODULLAYEV MIRAZIZ SAIDAKBAR O'G'LlI	Согласен	
Член комиссии	OCHILOV OYBEK PARDABOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	TEMUROV XASAN XXX	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



“Компания по производству и продаже кирпича и блоков” (ОГРН 1025000000000) в соответствии с Указом Президента Российской Федерации от 15.05.2002 № 400-УД о внесении изменений в Устав ооо «Компания по производству и продаже кирпича и блоков».

МАНДРИН ПІХАТІ

THE MAN WHO HAD NO HOME

Кредитор корпорации


II	(III-61%) 2021 йил	0,681						24,079	0,000	24,079										
1	Агентство тұзанын "Олттық өзінін" МФН әйнеке күрделіш	2021	0,163					10,341	0,000	10,341										
2	Мегалом тұзанын "К.Тұнай" МФН әйнеке күрделіш	2021	0,067					2,074	0,000	2,074										
3	"Рамзан" тұзанын:																			
3	"Текесим" МФН әйнеке күрделіш	2021	0,303					8,211	0,000	8,211										
4	Задармойна тұзанын "Руссан" МФН әйнеке күрделіш	2021	0,148					3,454	0,000	3,454										

III	95 % енди Креатир қарандырылған (III-5886) 2020 йыл	1,837	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	125,374	115,683	9,721						0,000		28,670		
1	Джетек жи "Олттық" МФН әйнеке күрделіш (ЛХХ, Астана, Халық)	2020	0,383						116,636	115,653	0,983							28,670	06.07.2020	No 5/7-20
2	"Текесим" МФН әйнеке күрделіш	2020	1,454						8,738	0,000	8,738							No 12077-1-20	20.09.2020	No 5/10/1/2022
																		7,08-2020	25.09.2020	"Денес-Инвест" МФК

IV	(III-2558) 2017 йыл	0,304						65,383	65,383	0,000									
1	Жиынтау "Шабуыл" МФН әйнеке күрделіш	2017	0,304					65,383	65,383	0,000								No 01-03/1-	



Ахмет



“Кишлоқ курилиш инвест” МЧЖ ИК Жиззах вилояти филиали учун бюджет маблаглари хисобидан (ишлар, хизматлар) ларини харид қилиш бўйича танлов ўтказилинг

Мажлис баённомаси № 1/1

2022 йил

Жиззах шаҳри.

“Кишлоқ курилиш инвест” МЧЖ ИК Жиззах вилояти филиалининг бошлиги О.Ў. Эркаев. 2022 йил “12” майдаги 18 ич -сонли бўйруги билан тасдиқланган комиссияси аъзолари кўйидаги таркибда

Қатнашдилар: КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ

- | | |
|---------------|--|
| О.Эркаев | - “Кишлоқ курилиш инвест” МЧЖ ИК Жиззах вилояти филиали директори, эркин савдо комиссияси раиси; |
| О.Очилов | Эркин савдо комиссияси аъзолари: |
| Х.Темуров | - филиали бош мухандиси |
| М.Муродуллаев | - бош хисобчи |
| Ў.Тургунбоев | - лойиха қидирав ишлари ва курилишни техник назорат қилиш бўлимни бошлиги |
| Э.Турсунов | - лойиха қидирав ишлари ва курилишни техник назорат қилиш мутахассиси |
| | - Йўл ва канализациямутахассиси |

Куи тартиби:

1. “Кишлоқ курилиш инвест” МЧЖ ИК Жиззах вилояти филиалининг маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни харид қилиш (бажариш) бўйича маҳсус ахборот порталида 04.10.2022 йилда № 154786 -сонли Ш.Рашидов тумани “Токчилик” МФЙда тадбиркорлик субектлари томонидан курилаётган уй-жойларнинг кириш ва ички йўллари курилиши бўйича электрон танлов мажлис баёни юзасидан келиб тушган этироzlар бўйича.

“Кишлоқ курилиш инвест” МЧЖ ИК Жиззах вилояти филиали учун товар (ишлар, хизматлар) ларини харид қилиш (бажариш) бўйича иштирок этган дъавогар ташкилотлар ва уларга умумий баллар

№	Товар (иш, хизмат) нинг номи	Ўдчов бирлиг и	Сони (микдо ри)	Бошланги ч нархи	“Пахтакор зийнаткор” МЧЖ		“Файз барака классик” МЧЖ	
					Таклиф этган нархи	Умумий балл	Таклиф этган нархи	Умумий балл
1	Ш.Рашидов тумани “Токчилик” МФЙда тадбиркорлик субектлари томонидан курилаётган уй-жойларнинг кириш ва ички йўллари курилиши	хизмат	1	894156014	892156014	100	894000000	98.47
	Жами;			894154014	892156014	100	894000000	98.47

04.10.2022 йилда № 154786-сонли Ш.Рашидов тумани “Токчилик” МФЙда тадбиркорлик субектлари томонидан курилаётган уй-жойларнинг кириш ва ички йўллари курилиши бўйича ўтказилан электрон танлов мажлис баёни юзасидан 06.10.2022 йил соат 15:00 га кадар талабгорлар томонидан хеч канака ёзма ёки оғзаки ётироz ёки мурожатлар келиб тушмади.

Комиссия Ш.Рашидов тумани “Токчилик” МФЙда тадбиркорлик субектлари томонидан курилаётган уй-жойларнинг кириш ва ички йўллари курилиши учун ўтказилан электрон танлов бўйича

Қарор қилади:

“Кишилөк курилиш инвест” МЧЖ ИК Жиззах вилояти филиали тасаруфидаги Ш.Рашидов тумани “Токчилик” МФИда талбиркорлик субектлари томонидан курилаётган уй-жойларнинг кириш ва ички йўллари курилиши учун электрон тарзда ўтказилган танловда жами 100 балл билан голиб бўлган “Пахтакор зийнаткор” МЧЖ билан шартнома имзоланиб, Газначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилсин.

О.Очилов

Х.Темуров

М.Муродуллаев

Ў.Тургунбоев

Э.Турсунов